

# ТОНГ ЮДАУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмиirlарининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 45 ( 7022 )

1999 йил 2 декабрь, пайшанба

Сотувда эркин нархда



«ГОЛ!» «ГОЛ!» «ГО-ОЛ!»

Ассалому алайкум севимли газетам ! Мен сенинг ҳар бир сонингни интиқлик билан кутаман. Менга айниқса тенгдошларим ёзган мақола ва шеърлар ёқади. Томас Эдисон ҳақидаги ҳикоя ҳам жуда қизиқтириб қолди. Ўша саҳифада берилган физикага оид топшириқларни бажардим. Ҳатто уни амалда ҳам синааб кўрдим. Хуллас, сен билан бирга бўлиб, ўқишларимдаги баҳоларим ҳам яхшиланди. Мен спортга ҳам жуда қизиқаман. Ҳамма ўғил болалар каби футбол ўйнашни ёқтираман. 21-29 ноябрь кунлари Осиё мамлакатлари терма жамоалари ўзаро куч синашди. Ўзбекистон терма жамоаси рақиб дарвозасига 16 та тўп киритди. Ниҳоят, футболчиларимиз ўз маҳоратларини кўрсатишиди. Айниқса, моҳир тўпсурар Миржалол Қосимовнинг ва Максим Шатскийларнинг ҳал қилувчи «Гол» лари барча футбол ишқибозларини хурсанд қилди, десам, адашмайман. Энди Ўзбекистонликлар 2000 йилда Ливандаги ўтадиган Осиё чемпионатида иштирок этадиган бўлдилар. Ва яна чиройли ўйинлар кўрсатиб биз муҳлисларни хурсанд қилишларига сира шубҳа йўқ.



Шавкат МИРЗАЕВ,  
ТошДУ қошидаги  
гимназиянинг 7-«А»  
синф ўқувчиси.

## МИРЖАЛОЛ АКАНИНГ ТЎПИ

Футболни ҳар бир ҳалқ севиб ўйнайди. Шунинг учун ҳам у ҳалқ ўйини, миллионлар ўйини деб аталади. Майдонда ўн бир спортчи биргалашиб тўп суради. Ютса кайфият кўтарилади, мабодо акси бўлса... бундан Худонинг ўзи асрасин.

28 ноябрь куни юртдошларимиз Бирлашган Араб Амирликлари спортчилари билан ҳал қилувчи тўп сурдилар. Ушбу ўйинни оиласиз билан ҳаяжонга тушиб кўрар эканман, менга айниқса дарвозабон Павел Бугалонинг ҳаракатлари жуда ёқди. Павел акамиз рақиб томонидан тепилди тўпни ҳар қандай вазиятда ушлаб қолди. Ва бу билан ўз команасини, муҳлисларни бирдек қувонтирди. Биринчи бўлимда ҳисоб очилмади. Иккинчи бўлимда эса юртдошларимиз анча тетиклашди. Буни ҳатто ўйинни шарҳлаб бораётганлар ҳам таъкидладилар.

Миржалол Қосимов чиройли қилиб узатган тўпни Максим Шатский қарши дарвозага урдӣ, биз кутган дақиқа етиб келди: Ҳисоб 1 : 0!. Хурсанд бўлиб турганимизда Миржалол ака бирдан йиқилиб тушдилар. Уларни ўйин ташқарисига кўтариб олиб чиқиб кетишиди. Энди улар ўйинга тушмайдиларми, деб кўрқиб турган эдик, ҳайриятки яна қайтдилар. Чунки Миржалол акамизиз ўйин ўйин бўлмайди-да.

Искандар ОДИЛОВ,  
Ҳамза туманидаги  
206-мактаб ўқувчиси.

## САЙЛОВЛАР

Биз мактабни битириш арафасида турибиз. Ана шу ҳаяжонли кезларда хаёлимни фақат бир нарса чулғаб олган.

Шу Ватанга муносаб инсон бўларми-канмиз? Устозлар сабофию, ота-оналар ишончини оқлайлик-да, илойим! Юртим учун хизмат қилишни ўз олдимга мақсад қилиб кўйганиман. Бунинг учун фақат аъло ўқиш, намунали инсон бўлиш керак.

Айни кунларда Ўзбекистон аҳолиси сайловлар олдида туриди. 5 декабрь Олий Мажлиси, шунингдек Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кен-

гашларига сайловлар куни бўлса, 2000 йил 9 январь Ўзбекистон Президенти учун сайлов. Сайловда сайланётган ҳар бир депутат ҳам ўз олдига мақсад қўяди. Шу Ватаннинг янада гуллаб-яшнаши учун бор куч-ғайратини сарфлайди. Мен ҳали сайлаш ҳуқуқига эга бўлмасам-да, катталар, албатта ўз вазифасига содиқларга овоз беришларига ишонаман. Чунки биз ёш аводдинг яхши яшashi шу сайловга боғлиқ, деб ўйлайман.

**Гулзода МАҲКАМОВА,**

**Тошкент шаҳар,**

**Низомий помли 214- мактабнинг**

**11-«Б» синф ўқувчиси.**

## 3 декабрь - ногиронлар куни

Салом «Тонг юлдузи!» Сенга яна мактуб йўллаяпман. Мен ўша сен билан хурсандчиликларимни ўртоқлашадиган, ҳасратларимни фақат сенга айтадиган муҳлисинг, Собир Раҳимов туманидаги 100-максус мактаб интернат ўқувчиси Максудов Ихтиёр бўламан. Сенинг саҳифаларингда онда-сонда бўлса ҳам мақолаларим чоп этилиб туради. Шунда мен жуда хурсанд бўлиб барча тенгдошларимдан тортиб, устозларимгача газетани кўрсатиб очик гап, роса мақтанаман. Бу сафар

дик. Мактабимиз мажлислар зали ҳам қайта жиҳозланди. Энди залимиз унчамунча концерт залидан қолишмайди. Уерда ҳар хил учрашув ва тадбирлар ўтказилади. Ёз бўйи устоз ва тарбиячиларимиз тарвуз ва анорларни парваришлаб ўстиришибди. Айниқса, тушлик пайтида устозларимиз биринчи ҳосилидан узиди ҳамманинг оғзи тексин, деб бир-бир улашганларида чинакам байрам бўлиб кетди. Ҳа, биз байрамларни жуда яхши кўрамиз. Яқинда бўладиган 3 де-

## «САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ ҲАР КУНИ ҚИЛИШИ КЕРАК»

ҳам сенга мактабимиздаги янгиликлару, ўзгаришлар ҳақида ёзгим келди. Интернатимизда полиемилит ва ДЦП касаллиги билан касалланган болалар ўқийди. Уларга 37та ўқитувчи, 40та тарбиячи ва 10дан ортиқ тиббий ходимлар хизмат кўрсатадилар. Меҳрибон устоз ва тарбиячиларимиз қўлида таълим олар эканмиз, ўзимизни тетик ва соғлом ҳис қилиб, аъло ўқишга ҳаракат қилаяпмиз. Бир ҳатимда юртбошимиз берган совға ва китобларининг қалам ҳақини интернатимиз фондига ўтказганлари ҳақида ёзгандим. Ана шу маблағга мактабимиз ётоқхонаси таъмирланди. Бундан ташқари мактабимиз директори Муқаддас опа Мираҳмедова ташаббуси билан яроқсиз бўлиб ётган ҳаммом қайта таъмирланиб ишга тушди. Эндиликда бир вақтнинг ўзида 15 бола бемалол мазза қилиб ювиниб, озодалик гигиенасига риоя қилишимизга шароит яратилди. Уч йил аввал мактабимиз ҳовлисида устозларимиз билан биргалиқда анорзор боғ яратгандик. Ёзги таътилдан қайтганимизда эккан анорларимиз туккан ҳосилини кўриб бир қувонсак, баҳорда эккан тарвуз уруғларимиз униб-ўсиб катта-катта тарвузлар туғиб ётганини кўриб юз қувон-

кабрь - ногиронлар кунини катта байрам тарзида ўтказмоқчимиз. Ҳар йили шу куни мактабимизда байрам тадбирлари бўлиб ўтади. Шу муносабат билан ўқувчиларимиздан хабар олиб турадиган бағри кенг, саҳоватли ҳомийларимиз жуда кўп. Булардан Асака банки раҳбари Р.А. Одилов, Фанлар Академиясига қарашли «Ниҳол» заводи раҳбари А.Бобоҷонов, Тошкент мебель ҳиссадорлик жамияти раҳбари Назаров Тўрабек Турсуновиҷдан жуда миннатдормиз. Ногиронлар куни муносабати билан бўладиган байрамда ҳам ана шу ташкилотлар бизга катта ёрдам беришмоқда. Асака банки ва «Ниҳол» заводидагилар байрам дастурхонини тузаб, катта қозонда байрам паловини дамлашни ўз зиммаларига олган бўлсалар, Тошкент мебель ҳиссадорлик жамияти бизнинг мактабимизга икки миллион сўмлик мебель жиҳозлари инъом этдилар. Биз юртбошимиз: «Савоб иши ҳар ким ҳар куни қилиши керак», -деган гапни кўп тақорлаларини биламиш. Бу сўз меҳрибон ота-оналаримиз дилида ҳам айланётган экан, биз бундан жуда хурсандмиз.

**Ихтиёр МАҲСУДОВ.**

ЖЕМЕРТРИМ САСТИ ЕКСА

Ассалому алайкум ҳурматли «Тонг юлдузи» ижодкорлари! Мен адабиётга жуда қизиқаман. Чиройли ёзилган шеърларни дарров ёдлаб оламан. Ўзим ҳам унча-бунча ижод қилиб тураман. Ҳали ёзганларимни шеър деб атаб бўлмаслиги мумкин.

Газета саҳифаларидаги тенгдошларим ёзган шеърларни ўқиб илҳомланиб кетдим. Ва сизларга шеърларимни юборишга аҳд қилдим. Агар шеърларимни мунособ топсангиз газета саҳифаларидаги ёритсангиз.

ОЙНИНГ ГОЗИ ДОҒИ

Ойга қараб хаёл сурман,  
Нега ойнинг юзларida доғ?  
Балки бирор сир бордир бунда,  
Айтинг, нега юзларida доғ?

Балки ой нур сочиб турганда,  
Дўст дўстига чоҳ қазигандир.  
Ойнинг нури тушиб турганда,  
Ким кимнингдир тинчин бузгандир?

Кўриб турли қабоҳатларни,  
Гувоҳ бўлиб ёмон ишларга  
Ой юзига тушгандир доғлар,  
Чора топмай қилмишларига?..

Сиз яхшилик қилинг, ўртоқлар,  
Кетар шунда ойдаги доғлар.

Ёқуб БОБОЖНОВ,  
Тошкент шаҳридан  
Милли лицеининг  
10-синф ўқувчisi

Салом «Тонг юлдузи»!

Мен Зилола Холматова Фаргона вилояти Учкўприк туманинаги Яккатуп қишлоғида яшайман. Илмга қизиқишим сабабли 9-синфи тамомлагач, туманимизда ягона бўлган 1-сон Зиё иқтисод лицейига ўқишига кирдим. Ҳозирги кунда лицей битирувчисиман. Ҳали олдинда катта ҳаёт синовлари турибди. Бу синовларга бардош бериш ўзимизга боғлиқ, деб ўйлай-лаб, оғир ва биз учун сирли бўлган синовларга тайёрланиб боришимиз лозим. Шунда, албатта ўйлаган орзуларимизга етамиз. Сиз-чи, азиз тенгдошлар. Ҳаёт синовларига тайёрмисиз?

# МАКТУБЛАР БОЛАР ҚИРГАНАДА

**Қадри болалар! Тахририятимизга келаётган мактублар сони кундан-кунга ошиб боряпти. Албатта, биз уларнинг ҳаммасини ўқиб, иложи борича сизларнинг эътиборингизга ҳавола қиляпмиз. Айрим мактубларингиз газета саҳифаларидан ўрин олмаганига тушкунликка тушманг. Газетанинг ҳар бир сонини кузатиб борсангиз, албатта мактубингизни, мақола ва хабарингизни ўқиб қувонасиз. Ота-онанингизнинг ҳам мақтovларига сазовор бўласиз.**

Тахририятимизга вилоят газеталари ходимларидан ҳам мактублар келибди. Улар ҳатларida турли кечалар, тадбирлар ҳақида ҳикоя қиладилар. Марҳамат, улар билан танишинг.

## ДАБИРИМДА

Келажаги буюк Ўзбекистоннинг ҳақиқий фарзандларини тарбиялашга энг муҳим соҳа сифатида эътибор қаратилаётганлиги муҳим маънавий аҳамият касб этади. Жумладан, «Аёллар йили» деб эълон қилинган 1999 йил ҳам ёш авлодни маънавий баркамол этиб тарбиялаш билан уйғунлашиб кетганинг ўзига хос аҳамиятини эътироф этиш жиздир.

Яқинда, Каттакўрон шаҳридан Очилдимурод Мирий номли 2-ўрта мактабда «Ватан саждагоҳ каби муқаддасdir» мавзусида ўтказилган кеча юқоридаги фикримизнинг ёрқин далилидир. Шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази ташабуси билан уюштирилган ушбу адабий кечада Ўзбекистон Ёзувчilar уюшмаси Каттакўрон шаҳар бўлимининг вакиллари иштирок этишиди. Адабий кечани мактабнинг маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Махбуба Мустафақулова очиб бердилар. Адабий кечада олиб борувчиси ўқувчilarни шоир-ёзувчilar билан танишириб, иход йўллари ҳақида қисқача сўзлаб берди. Шундан сўнг шоира Эркатош Шукрова, жангчи шоир Раҳимжон Сатторов, матбуот фахрийси Малик Элмуродовлар ўқувчilarга ўзларининг янги шеърларидан ўқиб бердилар.

Шунингдек, кечада Ўзбекистон Халқ демократик партияси Каттакўрон шаҳар кенгашининг биринчи котиби Тоҳир Ҳамидов, Ўзбекистон Фидоркорлар Миллий демократик партияси Самарқанд вилояти кенгашининг биринчи котиби Муродхон Ҳожихоновлар иштирок этишиди. Кеча сўнгидан шоирлар ўқувчilarни қизиқтирган саволларига жавоб қайтардилар. Мушоира мактаб ўқувчilarida катта таассурот қолдирди.

Каримжон СОАТОВ,  
Самарқанд вилояти,  
«Каттакўрон тонги»  
рўзномаси ходими.

## ОНАЛАР ГУЛЛАР

Оналар оиланинг посбонларидир,  
Табиат яратган осмонларидир.  
Ватанинг суюнган устунларидир,  
Болалар таянган суюнчларидир.

Ҳар бир жумбоқларни ечгувчи улар,  
Текислик, лойларни кечгувчи улар,  
Жонини фидо ҳам қилгувчи улар,  
Йўқни ҳам бор қилиб яратгувчilar.

Оlamda оналар ўлмасин, дейман,  
Фунчалар навдада сўлмасин, дейман.  
Оналар гул каби яшнасин, дейман,  
Чинорлар умридай яшасин, дейман.

Гулнора ТОШТЕМИРОВА,  
Қашқадарё вилояти,  
20- мактаб.

## РАХМАТ, ЕТАКЧИ

Ассалому алайкум рўзнома ҳодимлари!

Биз Китоб тумани Очамайли қишлоғида жойлашган Fafur Fулом номли мактабнинг 7-синф ўқувчilarимиз. Мактабдаги «Болалар ва ўсмирлар» уюшмасининг энг фаол аъзолари сифатида бизни барча ўқувчilar хурмат қилишади.

Мактабимизда кўп йиллар ўқитувчилик қилган Холмат Экбоев, Абдумажид Азимов, Эшонқул Йўлдошев каби азиз инсонлар номи энг яхши жамоаларга берилган. Уларнинг оила аъзолари ҳар бир тадбири мизда, учрашувларда иштирок этишади. Жамоанинг аълочи ўқувчilariga стипендиялар бериб, ҳомийлик қилишади. Буларнинг барисини бизга яқинда етакчи бўлиб келган Ҳабиба опа Ҳусаинова ташкил этганлар. Уюшмамиздаги барча ўқувчilar «Тонг юлдузи»га обуна бўлишга қарор қилишди. Уюшмамиз ҳомийси Тоирхон Ваҳобов уюшмамизни ушбу рўзномага обуна қилишга ваъда берганлар.

Камола БОБОМУЛЛАЕВА,  
Дурдана ВАҲОБОВА,  
«Болалар ва ўсмирлар»  
уюшмаси аъзолари.

Азиз болажонлар! Мактабнингиздаги тўғараклар, ташкилий ишлар ҳақида ёзib юборинг. Ҳатларини гизни кутамиз.

Мактубларни ГУЛЮЗ саралади.

Диққат, конкурс: XXI аср фани бүйича

# “ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР” КОНКУРСИННИГ 1999-2000 ЎҚУВ

# СИРТҚИ МАКТАБ ЙИЛГИ МАВСУМИ

“Иқтисодиётдан сабоқлар”  
сиртқи мактаб конкурсанынг 1999-2000 йилги мавсуми  
лойиха муаллифлари - фан номзодлари Эргашвой Сариков  
ва Баҳодир Ҳайдаровларнинг ташаббуси билан яна бошланди.  
Бу шилги конкурс билан бир қаторда яна уч йўналиши бўйича алоҳида кичик конкурслар ўтказилади:

I йўналиш: Энг яхши иқтисодий мазмундаги мақолалар конкурси

II йўналиш: Энг яхши бизнес режса лойиҳалари конкурси

III йўналиш: Энг яхши рекламалар конкурси

“Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурсанынг ўзагини ўқув иили давомида олиб бориладиган дарс топшириклиари асосидаги асосий конкурс ташкил қиласди. Бошқа кичик конкурсларга қатнашмоқчи бўлган ўқувчилар бу асосий конкурс шартларини шил давомида бажариб боришлари шарт.

“Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурсига оид дарс материаллари ва топшириклиари ҳар ҳафта газета орқали бериб борилади. Сиз дарс материалини ўрганиб чиқиб, топшириклиарни бажариб жавоб ўйлашингиз зарур бўлади. Топширик шартларини газетадан кўчириб олишингиз ёки ундан ксероксада нусха олиб, тўлдириб жўннатишингиз мумкин. Шунингдек, топшириқни бевосита газетадан қийиб олиб тўлдириб ўйлашингиз ҳам мумкин.

Конкурснинг якуний босқичи 2000 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида ёки ёз пайтида сўлим оромгоҳларнинг бирида 3-4 кун давомида ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Асосий конкурс голибларини

телевизор,

магнителефон,

аудио-плеер

каби қимматбаҳо совринлар кутмоқда. Колган кичик конкурс шартларини газетанинг кейинги сонларида эълон қиласми. Кичик конкурс голиблари учун ҳам алоҳида маҳсус совринлар белгиланган.

XXI аср фани бўйича ўтказилётган конкурсга турли янгиликларга қизиқувчан, тиришкоқ ва ижодий фикрлайдиган ўқувчиларни таклиф қиласми.

Омад сизга ёр, билим мададкор бўлсин!

Конкурс ташкилотчилари

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

### 7 - ДАРС

#### МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ ВА КАСБЛАР

Бирор корхонага бориб маҳсулот яратиш жараёнини кузатганимисиз? Агар ғэтибор берган бўлсангиз, хомашёга ишлов бериш жараёни ишчилар орасида тақсимлаб олинган бўлиб, ҳар бир ишчи ўзига ажратилган ишнингина бажаради. Масалан, консерва заводидаги мураббо тайёрлаш жараёнини оладиган бўлсак, ишчиларнинг бири мевалярни қабул килиш билан, иккинчиси ювиш билан, учинчи қозонга жойлаш билан, тўртингчиси қайнатиш билан, бешинчиси мураббони идишларга солиш билан, олтинчиси тайёр маҳсулотларни омборга жойлаш билан машгул эканлигини кўрамиз.

Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини бундай ташкил қилишга, яъни ишни ишчиларга бундай тақсимлаб беришга, ўз оти билан меҳнат тақсимоти деб аталади.

Меҳнат тақсимоти бор жойда, ҳар бир ишчига унинг билими, маҳорати ва имкониятига қараб иш бўлиб берилади.

Нега шундай қилинади, - деб ўйлайсиз? Ҳа, албатта, бунинг тагида ишни тезроқ бажариш кўпроқ, сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқариш, яъни меҳнат унумдорлигини ошириш ётади.

Меҳнат тақсимоти натижасида, одамлар турли хил касблар бўйича ихтисослашишади. Биргина қурилиш корхонасида дурадгор, гиштерувчи, пардозловчи, бўёқчи, кранчи-ҳайдовчи, электрчи каби ўнлаб касб эгаларини учратиш мумкин.

Инсоният тарихи давомида юзлаб касб турлари пайдо бўлди. Уларнинг баъзиларига эҳтиёж бўлмаганлиги сабабли йўқолиб, ўрнига янги касблар пайдо бўлмоқда.

Масалан, от-арава ўрнига автомобилнинг кашф қилиниши билан ҳайдовчи касби пайдо бўлди. Аравакаш, извошли касблари эса йўқолиб бормоқда.



### 7 - ТОПШИРИК

#### МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ ВА КАСБЛАР

1. Ўз муносабатингизни “7” белги қўйиш билан билдиринг.

Корхоналарда меҳнат тақсимотининг жорий қилиниши

1. меҳнат унумдорлигини оширади
2. ишлаб чиқарышнинг ихтисослашувига олиб келади
3. ишчиларнинг меҳнатини оғирлаштиради
4. одамларнинг турли хил касбларга ихтисослашувига олиб келади
5. ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайишига олиб келади

2. Қурилишда меҳнат тақсимоти туфайли пайдо бўлган қандай касбларни биласиз?

Жавоб:

---

#### 3. Меҳнат тақсимотининг вужудга келиш сабаблари

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. \_\_\_\_\_
4. \_\_\_\_\_

лардан иборат.

4. Меҳнат тақсимотининг қандай салбий томонларини биласиз?

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. \_\_\_\_\_
4. \_\_\_\_\_

5. Бир корхонада ишлар қўйидагича тақсимлаб берилди. Бошлиқ ҳисоб-китоб ишлари билан, иқтисодчи ходим - ғазначилик билан, омборхоначи - қоровуллик билан, қорув юк ташиш ишлари билан, ҳисобчи - маҳсулот сифатини текшириш билан, технолог - корхонани бошқариш билан шуғулланадиган бўлди. Сизнинг-ча иш тўғри тақсимлангани? Аслида қандай тақсимланиш керак эди?

Жавоб:

---

6. Нима сабабдан сизга ҳар бир фандан алоҳида ўқитувчи дарс беради?

Жавоб:

---

7. Катта бўлганингизда қандай касб эгаси бўлмоқчисиз? Бу касб ҳақида нималар биласиз?

Жавоб:

---

8. Мактаб ҳовлисида ўтказиладиган шанбаликда синфингиз ўқувчилари орасидаги меҳнат тақсимотини келтиринг.

Жавоб:

---

**МАКТУБЛАРИНГИЗНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА  
ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:**

700029, Тошкент шаҳри, Мустакиллик майдони,  
2-йй, 402-хона (Музаффар ПИРМАТОВга).

Мулокот учун телефон: 139-49-32, 139-19-16.  
Факс: (371) 139-48-23.

**8 декабрь -  
Ўзбекистон Республикасининг  
Конституцияси куни**



**5 декабрь -  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси, вилоятлар,  
шахар ва туман кенгашларига  
сайловлар куни**

**Савол:** “Мамлакатимизда Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни яқинлашмоқда. Бундан биз, ўқувчилар ҳам яхши хабармиз. Ҳатто қизиқиб, бир-икки марта депутатликка номзодларнинг сайловчи-лар билан сайловолди учрашувларида ҳам (дадам билан бирга бориб) қатнашдим. Аммо у ерда бўлган гапларнинг кўнига тушунмадим: Олий Мажлис - қанақа мажлис ўзи? У Мажлисда кимлар қатнашади ва қанақа масалалар кўрилади? Маҳаллий кенгашлар-чи? Улар нега маҳаллий дейилади? Вилоят, шахар ва туман кенгашлари қанақа ишларни бажаради, ўзи?”

**Абдулла Қосимов,  
7-сinf ўқувчиси, Андижон шаҳри.**

Махсус мухбиримиз жойлардаги кўп мактабларда бўлиб, ўқувчилар билан сұхбатлаши. Маълум бўлишича, ўсмиларнинг кўпчилиги Олий Мажлисни бирор масала муҳокамасига бағишлаб ўтказиладиган каттароқ йигин деб билишар экан. Вилоят, шахар ва туман кенгашларини эса вилоят, шахар ва туман ҳокимлари деб аংглар эканлар.

Бундай англашмовчиликларга аниқиқ киритиш мақсадида Қосимов, Абдулмажоннинг саволларига газетамиз орқали жавоб беринга аҳд қилдик.

**Таҳририят.**

Олий Мажлис ҳамда Маҳаллий кенгашларнинг мавқелари ваколатлари ва уларнинг вазифалари юзасидан энг аниқ маълумотни Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан кўчириб беришни маъқул кўрдик. Зоро, бу ўқувчиларнинг Конституциямиз билан яқиндан танишувига ҳам бир восита бўлади. Чунки наинки ёш авлод, балки фуқароларимизнинг ҳаммаси ҳам бахтишимиз қомуси бўлмиши Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси матни билан таниши эмаслар.

**Таҳририят.**

7) маъмурӣ-худудий тузилиш масалаларини қонун ўёли билан тартибига солиш, Ўзбекистон Республикасининг чегараларини ўзгартириш;

8) Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;

9) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва маҳаллий вакиллик органларига сайлов тайинлаш; Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

10) ваколати туғаси муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлов кунини тайинлаш;

11) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисингин Раисини ва унинг ўринбосарларини сайлаш;

12) Ўзбекистон Республикаси Конституцияий судини сайлаш;

13) Ўзбекистон Республикаси Олий судини сайлаш;

14) Ўзбекистон Республикасининг Олий ҳўжалик судини сайлаш;

15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига мубофиқ Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг раисини тайинлаш ва вазифасидан озод этиш;

16) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Боз Вазир, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фар-

тўхтатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

21) ҳалқаро шартномаларни ва битимларни ратификация (тасдиқлаш) ва денонсиация (барбақт тўхтатиш) қилиш;

22) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

23) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, номини ўзгартириш ва уларнинг чегараларини ўзгартириш;

24) ушбу Конституцияяда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш киради.

**79-модда.** Олий Мажлис йигилиши жами депутатларнинг камида учдан иккиси иштирок этган тақдирдагина ваколатли ҳисобланади.

**80-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг органлари йигилишида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Боз Вазир ва Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Республика Конституцияий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик судининг раислари, Боз прокурори, Марказий банки бошқарувининг раиси иштирок этишлари мумкин.

**81-модда.** Ваколат муддати тугагач, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси янги чақириқ Олий Мажлиси иш бошлагунига қадар ўз ваколатини сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисингин сайловдан кейинги биринчи йигилиши Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловдан кейин иккى ойдан кечиктирмай чақирилади.

**83-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатларни қабул қиласи. Конунни қабул қилиш учун Олий Мажлис депутатларининг кўпчилик овози талаб этилади.

Қабул қилинган қонунларнинг ва бошқа норматив ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар кўлланишишининг мажбурий шартидир.

**84-модда.** Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари орасидан яширип овоз бериш ўёли билан сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисингин Раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар 2 йили ҳисобот беруб турадилар.

**86-модда.** Олий Мажлис қонун лойиҳалари тайёрлаш ишларини олиб бориш, Олий Мажлисга ҳавола этиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, қонунларнинг ва Олий Мажлис бошқа қарорларининг ижросини назорат қилиб туриш учун депутатлар орасидан кўмиталар ва комиссиялар сайланади.


Олий Мажлис зарур бўлган тақдирда доимий ҳамда мувакқат ишловчи депутатлик, тафтиш ва бошқа комиссияларни тузади.

**87-модда.** Олий Мажлис депутатлари белгиланган тартибида уларнинг депутатлик фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлар қопланади. Олий Мажлисда доимий ишлайдиган депутатлар ўз ваколатлари даврида бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари ва тадбиркорлик фаолияти билан шугууланишилари мумкин эмас.

**88-модда.** Олий Мажлис депутати дахлизлик ҳукуқидан фойдаланади. У Олий Мажлисингин розилигисиз жиной жавобгарликка тортилиши, хибса олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурӣ жазога тортилиши мумкин эмас.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ

**Ўзбекистон Республикаси  
Конституциясидан:**



**76-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органдарни бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

**77-модда.** Худудий сайлов округларни бўйича кўп партиялий асосида беш йил муддатта сайланадиган депутатлардан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайланниш ҳукуқига сайлов кунинга 25 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари эгадирлар.

Депутатликка номзодлар олдига кўйиладиган талаблар қонун билан белгиланади.

**78-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисингин мутлақ ваколатлари қўйиладиганлар.

1) Ўзбекистон Республикасининг Кон-

ституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

2) Ўзбекистон Республикаси қонунларини қабул қилиш ҳамда уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

3) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташки сиёсатининг асосий йўналишларни белгилаш ва давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиётлари тизимини ва ваколатларни белгилаш;

5) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;

6) бож, валюта ва кредит ишларини қонун ўёли билан тартибига солиш;

монларини тасдиқлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Боз прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ва лавозимларидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирларлар, давлат кўмиталари ва бошқа давлат бошқарув органларини тузиш ва тугатиш ҳақидаги фармонларини тасдиқлаш;


20) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ва

Үсмирик - баркамоллик

# ЧИЛЛАК

Бу ўйин айниңса тоғлар этагидаги, тепаликлар бағридаги қишлоқтарда яшовчи болаларнинг севимли ўйинидир. Чиллакни подаю күй боқиб юрганда ҳам ўйнайвериш мүмкин. Унинг учун алоҳида жой, айрим тайёргарлик талаб қилинмайды. Иккى учи туғилган чиллак, уни "чириш" учун даста бўлса, айни муддао.

Бу ўйинни иккى киши бўлиб ҳам, гурух-гурух бўлиб ҳам ўйнаш мүмкин. Мусобақалар жуда авж олиб кетса, ҳатто маҳаллама-маҳалла, қишлоқ-ма-қишлоқ бўлиб беллашадилар. Ўйин бошланишидан олдин кайвони куръя ташлайди. Ё танга тирнокда хавога учирилиб, ерга қайси томони билан тушишига қараб, қайси томоннинг ўйин бошлаши аниқланади, тайинланади. Ўйин бошловчи томон жўра бошиси чиллакни маҳсус кавланган чуқурча устига қўйиб, даста билан илиб, хавога кўтариб, сўнг зарб билан уни дастага уриб, иложи борича узоқча учиради.



Майдоннинг нариги томонида тўнини тескари кийиб, этагини қуличида ёзиб турган рақиб гурӯхи урилган чиллакни имкони борича тутиб олишга ҳаракат қилишади. Тутиб олишсаку, олам гулистон, навбат шу заҳоти уларга ўтади. Аммо шиддат билан ҳавода учиб келаётган чиллакни тутиб қолиш осон иш эмас. Энди чиллакни бориб тушган жойидан учирилган жойига - чуқурчага кўлда улоқтириш керак. Шундай мўлжал билан улоқтириш лозимки, имкони

борича чўп уриб юборилган чуқурчаги устига бориб тушсин. Бу вазифани ҳам энди ҳавосини олган ўйинчи бажариши керак. Қайта улоқтирилган чиллак чуқурчага тушса ёки чиллак-дастада ўлчанганда, бир даста етгулик жойга етказилган бўлса, рақиб гурӯх чиллак отиш навбатини кўлга киритди, деяверинг.

Агар ўлчаганингизда бир дастамас, 3-5-10 даста бери ёки нарида қолган бўлса, энди "жазангизни тортасиз". Яни, ўйиннинг қизиги,

асосий шартлари мана шундан кейин бошланади. Чиллак отувчи томон уни тушган жойигача неча даста масофада эканлигини ўлчаб, аниқлагач, даста билан ётган чиллакнинг йўнилган учига уриб, ҳавога кўтаради. Ўша муаллақлигига зарб билан уриб, олдинга, майдонга учириласи. Бу ҳол қанча чиқсанига қараб, 3-5-10 марта тақорланади. Энди навбат "зувиллаш"га келади. Рақиб томон вакили ё вакиллари ўйин боши - кайвони ҳамроҳлигига бир нафас ютиб, зувиллаганча букурбоши, чиллак мэррасига етиб келиши лозим.

Чиллақда зувиллаш қоидаси бузилса, яъни чопувчи янги нафас олиб қўйса, ўша ерда тўхтатилиб, яна чиллак ундан ҳам узоқроқча ҳаволантириласи. Зувиллаш келаётган боланинг мэррага ўн қадам қолганда нафаси "узилди" дейлик. Энди унинг ўзи ёки шериги голиб томон вакили ёки вакилларини орқасига ортмоқлаб кўтариб, мэррага келтириб қўйиши шарт. Шу йўсун ўйин навбатлашиб, тушгача ё кечгача давом этиши мүмкин.

**М.САТТОРОВ.**

## ТОЖ ОЛТИНДАНМИ ЁКИ СОХТА?


Ҳаётда тўғри паралелопипедга ҳам, цилиндрга ҳам, шарга ҳам ўхшамаган ёки бирор соддароқ кўринишда бўлмаган жисмлар ҳажмини топишга тўғри келади. Бундай ҳолда нима қилиш керак? Бундай масалага, ҳатто буюк математик Архимед ҳам дуч келган. Ривоят қилишларича Сирақуз шоҳи Герон II ўзининг янги олтин тижини соф олтиндан ясалганни ёки йўклигини билишни хоҳлаган. Чунки тож асосан кумушдан ясалаб, сирти юпқа олтин қатлами билан қопланган ва Герон алданган бўлиши мүмкин.

Архимед 1 куб дюйм олтин билан 1 куб дюйм кумуш орасидаги

фарқни осонгина била олган. Чунки ҳажмлари бир хил бўлганда, олтин кумушдан 1.8 марта оғирроқ бўлади. Агар бирор усул билан тожнинг ҳажми топилса, у ҳолда унинг оғирлиги билан худди шундай ҳажмли олтин оғирлигини солиштириб кўрилса, масала ҳал. Аммо тожнинг ҳажмини қандай қилиб топиш мүмкин?

Бу саволга жавобни Архимед ҳаммомда чўмилаётган пайтда топган экан. Агар тогорага сув тўлатиб кўйилган бўлса, у ҳолда Архимед тогорага тушиб ётган пайтда чиқиб (тўқилиб) кетган ортиқча сув микдори унинг танаси ҳажмига баробар бўлади (энди у тогоранинг четига

тўқилган сувни йигиб, ўлчаб, сувга ботирилган ҳар қандай формадаги буюмнинг ҳажмини аниқлаши мүмкин). Ривоятларга қараганда, Архимед бу кашфиётидан жуда қаттиқ ҳаяжонланиб кетади ва тогорадан сакраб тушиб, яланғоч ҳолича чиқади.



Йўл йўлакай "Эврика! Мен топдим!" дея бақириб шох ҳузурига кетади.

Шундай қилиб, Архимед ўзининг бу янги усулини кўллаб, Гeron шохнинг тожи ҳажмини топади. Ҳақиқатан ҳам тож қалбаки экан, яъни соф олтиндан ясалманган экан.



## БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

**Сиз хонангиз  
ойнасини  
безатиш учун  
мумдан ва  
жилоли  
газламалардан  
фойдаландингиз.  
Бунинг учун 12.5  
долларлик мум  
ва 37.50  
долларлик  
газлама сарф  
бўлди.**

**Ишингизни  
кўрган онангиз  
бу ихтироингиз  
унга ёққанини ва  
худди шундай,  
аммо ўлчовлари  
икки марта  
каттароқ бўлган  
дарпардалар  
ясашни буюрди.  
Янги дарпардалар  
учун кетадиган  
материаллар  
нархи қандай  
бўлади?**

§ § §

Агар одам ва чумоли бешинчи қават деразасидан тушиб кетса, у ҳолда одам ўлади, чумоли эса ҳеч нарса бўлмаганидек яна кетаверади. Нима учун?

§ § §

Нима учун кушлар уча олади, лекин одамга мос келадиган қанот ясаб берилса ҳам у уча олмайди?

§ § §

Ер шар шаклида бўлиб, унинг радиуси 4000 милга teng ва 25%ни қуруқликдан иборат (Арктика хисобдан ташқари)

а) қуруқлик неча акрни ташкил этади?

б) бир одамга, ўртача, қанча қуруқлик тўғри келади?


в) агар ер юзи аҳолиси йилига 1.8% тезлиқда ўсиб борса, у ҳолда 24000 йилда бир одамга қанча қуруқлик тўғри келади?

§ § §


Нега баъзи ҳашоротлар сув бетида юра олади, одам эса йўқ (бу сув сиртининг таранглиги билан боғлиқ. Чунки сув сирти қайсиdir маънода эластик бўлади)

§ § §


Битта тангани кетматет тўрт марта ташланганда рўй берадиган ҳолатлар сони қанча бўлади?




Мазкур суратда нечта түгри олтибурчак мавжуд?




Қайчини бир қулоғига ипни расмда күрсатылғаныдек қилиб бойланг ва унинг учларини ўртогингизга ушлаб туришни айтинг. Ипни кесмасдан қайчидан еча оласызми?




Қайси харфлар бир-бири билан боғлиқ?



Лабиринтдан қора чизиқларни босмасдан ўтинг.



Машхур рассомлардан бири мана шундай гиламни “түқиб”, унинг ичига қуидаги бошқотирма-лабиринтни жойлаштиради. Ушбу гиламда ҳам сирли йүлакча жой олган. Юришни пастдан бошлаб, юқоридан чиқиб кетишга ҳаракат қилинг. Сиз, албатта, буни уддалайсиз.



Уч нұқтани бир-бири билан туташтиришнинг 1 та усули мавжуд. Құлингиздеги қалам шу нұқталарни бирлаштиргандан кейин ўз жойига қайтиши керак. Шунингдек, түртта нұқтани бирлаштириш учун эса 3 хил усул күлланилади. Беш бурчакни бирлаштиришда эса 4 хил усулдан фойдаланасиз. Агар олтита нұқтани бирлаштирумокчи бўлсангиз нечта усулдан фойдаланасиз?



**(ДАВОМИ. БОШИ ЎТГАН СОНЛАРДА)**

Кейинчалик Том Мина Миллер исмли гўзал бир аёлни учратди. Томнинг қулоги оғир бўлгани учун у Мина билан Морзе алифбоси ёрдамида бармоқларини уриштириб «сўзлашарди». Бир куни тирбанд поездда кетаётуб, Том Минанинг қўлига бармоқларини оҳиста уриб-уриб: «Сиз мен-

га турмушга чиқасизми?», деб сўради. Мина ҳам унинг қўлига шу йўсинда уриб-уриб «Ха» деб жавоб берди. Вагонда кетаётган кишилар ҳеч гаплашмаган ҳолда баҳтиёр жилмаяётган Том ва Минага қараб ҳайрон эдилар.

Том, Мина ва болалар Нью Жерсининг Вест Оранж деган мавзейида қурилган янги катта уйга кўчиб ўтдилар. Янги «ихтиро заводи» ҳам шу ерда қурилди. Бирин-кетин уч фарзанд кўришиди. Уларга Чарльз, Теодора ва Мадерина деб исм кўйишиди.

Йил кетини қувиб йил ўтди. Том ҳалиям ўша-ўша. Бошини ишдан кўттармасди. У яна бир қанча катта кичик ихтиrolар қилди. Буюк кашфиётлар орқада қолди.

«Том бир умр ихтиро қилиб яшади, - дерди Мина Эдисон. - У ҳатто тушларида ҳам кашфиёт кўрарди». Том ва унинг командаси 1093 та катта-кичик ихтиро қилди.

Бу ихтиrolарнинг баъзилари олдин бошқалар томонидан қилинган кашфиётларни янада такомил-

## МЕНИНГ МАКТАБИМ...

Инсон умрининг энг гўзал, беғубор даври болаликка тўғри келса керак. Айниқса, синфдошларингни, сенга ҳаётда ўз йўлингни топишингда саҳоватли хизматлари чексиз бўладиган устозларингни йиллар ўтса-да унутмайсан.

Мен Муборак Йўлдошева номли 5-сон таянч мактабида таҳсил оламан. Ушбу билим даргоҳида билим олаётганимдан фахрланаман. Гарчи бизнинг мактабимизда бошқа мактаблар каби шароит бўлмаса-да, муаллимларимиз бизга яхши билим бериб келмоқдалар. Рост, мактабимиз эски бинода. Спорт залимиз йўқ. Биз ҳам барча шароитлари етарли мактабда ўқигимиз келади. Қани эди шу орзу ўйимизни янги сайланадиган туман депутатлари рўёбга чиқаришса...

Бу билан мен ўз билим даргоҳимни сира ёмонламоқчи эмасман. Биз учун устозларимиз керакли билим бераяптилар, етарли шароит яратишга ҳаракат қилишаяпти. Айниқса, ширинсухан ўқитувчиларимиздан бири Майсуда опа Сайдқосимовадир. Улар 23 йилдан бўён биз каби болаларга тарбия беришдек шарафли, масъулиятли касбни оқлақ келаяптилар. Опа одоннома, маънавият фанларидан сабоқ бериб келаяптилар.

Аёллар йилида мен устозимга мешақатли ишларида муваффақиятлар тилаб қоламан.

**Дилфузা АҲМАДЖОНОВА,  
Тошкент вилояти,  
Тошкент туманинаги  
5-сон таянч мактабининг  
8-«Б» синф ўқувчиси.**

# Тарих арамзан қишлошлар

## ХАДИД МИЛЛИТОН

лаштиришга йўналтирилган эди. Кейинчалик бошқалар ўз навбатида Томнинг кашфиётларини та-комиллаштирилар. Масалан, у яратган «кинотоскоп» аппарати кино кўрсатадиган биринчи машина эди. Бу машина ундан кейинги даврда бошқа ихтирочилар томонидан янада мукаммаллаштирилди.

Том ўзига қаттиқ ишонган одам эди. «Хамма ишнинг уддасидан чиқиши мумкин», дерди у доимо. Одамлар уни Сехргар деб аташарди. Том бўлса бошқалар сеҳр деб ўйлаган нарсани воқеликка айлантириш учун қаттиқ меҳнат

киларди. Унга «Американинг энг фойдали кишиси», деган ном бежиз берилмаган эди.

Том 1931 йили 84 ёшида оламдан ўтди. У жаҳонни электр нури билан ёритди. У вафот этганидан кейин уч кун ўтгач барча америкаликлар бу буюк инсон хотираси учун кечки соат ўнда ўз чироқларини бир минутга ўчирдилар. Ҳатто озодлик ҳайкали қўлидаги машъала ҳам ўчирилди. Кейин чироқлар қайтадан ёндирилди.

Буюк ихтирочи вафот этди. Бироқ унинг кашфиётлари ҳануз яшамоқда.

**Инглизчадан Тошкентдаги 121-мактаб ўқувчиси  
Малика Шарипова ўзбеккалаштириди.**

## УСТИСИ ЕДРОВИЧ КОЛДОШЛОВИЧ

O'qituvchi Jo'radan:  
-Kech qolding?-deb  
so'radi,  
Darrov gap topdi Jo'ra,  
Kiprik qoqmasdan sira:  
Qarashay, deb dadamga,  
Ushlandim-da yordamda!  
-Ha, unda kitobdon  
qani?  
-Olib ketgandi G'ani.  
O'zi esa... kelmabdi,-  
Kelishimni bilmabdi...

## SUPER QIZG“ONCHIQ

Mansur darsda urar  
do'q,  
Daftari, qalami yo'q...  
Ne so'rasa, baribir-  
Berishmadi: «Nari tur!»  
-Bu ishingiz yaxshimas,  
Do'stidan yashirmsa,-  
Desam, so'zlashdi  
ochiq:  
-Mansur- super  
qizg'onchiq!  
Bo'lsa -borin bermaydi,  
Yo'q bo'lsa-jim  
turmaydi.  
Yo gapni ko'tarmaydi,  
Yo olib qaytarmaydi.  
E, bu Mansur  
o'zgarmas.  
Unga aytинг, bizgamas,  
-Mansur yetar, urma  
do'q,  
O'zingda yo'q-olamda  
yo'q!

## TO 'P

To'p,to'p,to'p,  
Shundan nomim to'p.  
Meni ko'p o'ynama.  
Qiynamagin,ho'p?  
Poyabzalning yangi,  
Edi tuni-kun.  
Bugun esa- changli,

Yirtilgan nechun?  
Golni urib oxir,  
Ho'b irg'ishlading,  
Dars tinglashar axir,  
Sinfoshlarining.  
Men bilan o'ynarlar,  
Vaqtini belgilab.  
O'qishni o'ylarlar,  
Yoshing tengilar.  
Futbol qochib ketmas,  
Men ham qochmayman,  
Nahot aqling yetmas,  
Kulma-iljayma!  
To'p-to'p-to'p...  
Tepaverma ko'p.  
Keyin afsus qilib  
Yurmagin-a, ho'p?..

## RASSOM

Chizdi Sardor,  
Chechaklarni,  
Daraxt chizdi,  
Bezadi.  
Avto yelar,  
Tog'lar uzra,  
Qaldirg'ochlar kezadi.  
Men so'radim,  
-Nega Sardor,  
Ko'rinmaydi  
Odamlar?  
-Odamlar bor,  
Avtobusda.  
Ro'lda esa-  
Dadamlar!

## ҲАЗИЛКАШ

Boshimdag  
Do'ppimni,  
Olib qochdi,  
Sho'x shamol.  
Bo'sh kelmadim-  
Orqasidan,  
Yetib oldim bemalol,  
Shamol, dedim,  
Do'ppim senga  
Kellar axir kichkina.  
Shamol dedi,  
Burnim chimdib:  
-Hazillashdim,  
Puchuqqinam...

(Ballada)

-Quloq bering, so'yay sizga bir hikoyat,  
Bu shunchaki afsonamas, yo rivoyat.  
O'zbegimning tarixidan bir qissa bu,  
El ekrini saqlamoqqa zo'r hissa bu.  
Qissamizning qahramoni cho'pon Shiroq,  
Oz yashadi, abadiylik topdi biroq.  
Sak eliga qarar edi keng yaylovlar,  
Boyligiga hasad qilar edi yovlar,  
Uyur-uyur yilqilari semiz edi  
Yegani moy, ichganlari qimiz edi.  
Bu o'lkaga yovlar yo'li berkli edi.  
O'ziga xon, bu qabila erkli edi.  
Suhbatlarda kelajakdan bahs etishar,  
Qo'biz chertib sho'x yigitlar raqs etishar.  
Farzandlari birin-ketin boyga yetib,  
Yashardilar osoyishta, to'ya yetib.  
Ammo yorug' bu bu diyorga keldi zulmat,  
Eroniylar shohi Doro, qaro kulfat.

-Shohim, sizni bir notavon so'rab kelmish,  
Bilolmadik, bundan nima niyat qilmish.  
Qani, kirsin,-dedi Doro kayfi ochib,  
Kirib keldi shunda eshik ochib.  
Bir qo'lini yuzga bosgan, libosi qon,  
-Alam tortib keldim, arzim tingla haqon!  
Qabilamga jang qilmaylik, egaylik bosh.  
Degan edim, ular menga otdilar tosh.  
Davra olib meni rosa savalashdi,  
Quloq-burnim kesib, yurtdan quvalashdi.  
Elatimdan yuz burmoqqa bor asrorm,  
Men uchun ham shohim, oling siz qasosim,  
Gaplarim rost, buni demang, biror hiyla,  
Deydilarku- siylaganni sen ham siyla.  
Doro dedi:- Sendan nima foyda,  
Hech yengilmas, sonsiz lashkar turgan joyda!

*Oloyor BEGALIYEV,  
Usmon Nosir  
mukofoti sovrindori.*

# SHIROQ

Tarix saqlar hamon ul yovuz ismini.  
Bosib oldi u Turonning ko'p qismini.  
Ko'p xalqlarni ayladi qul, motamsaro.  
Eroniylar podshohi zolim Doro  
Sak eliga tahlikalar soldi Doro.  
Kim kiradi bunday paytda jonga oro?  
-Jang qilamiz!-dedi mardlar qilich tutib,  
-Ochiq jangda bo'larmikin yovni yutib?  
-Saklar kamdir, yov lashkari esa bisyor.  
Yoprifganda' kelar hatto keng sahro tor,  
-Bo'yin egish bizlarga or! O'lim a'lo!  
- Hamma o'lgach yov qilmasmi bunda  
yallo?  
-Ne qilamiz?.. Ko'p muammo qotdi  
bosqlar.

Keksalar lol. Jangga deydi olov yoshlar.  
O'sha onda yetib keldi cho'pon Shiroq.  
- Mening bitta taklifim bor, ammo, biroq...  
Buni faqat oqsoqolga aytmoqchiman  
Ko'nsa yaxshi, yo'qsa ortga qaytmoqchiman.  
Yig'ilganlar birin-ketin ketdi yiroq.  
Yolg'iz qoldi oqsoqol cho'pon Shiroq.  
-Menden nima tilaging, ne so'rog'ing bor?  
Maqsading ayt, ey cho'pon ne yo'rig'ing  
bor.

-Yov turibdi ostonada, bad niyati,  
Istagani qul bo'lsa sak jamiyati,  
Qul bo'lgandan ko'ra yotga tuqqan elim,  
Menga a'lo ko'zib oqib, tinsin tilim.  
Bir hiylani o'yladim men, davosi shu!  
Bosqinchiga dil buyurgan ravosi shu!  
Garchi jangda bo'lmos'i shart asli o'rni.  
Ikkilanmay kesib tashlang quloq-burnim.  
Olmasidan burun Doro dalam tortib,  
Men yov sari ketay sizdan alam tortib.  
Yo'l boshlovchi bo'lay, boshlay cho'lga  
uzoq,

Jazirama sahro bo'lsin yovga tuzoq.  
Garov bo'lib bola-chaqam sizda qolsin.  
Yo'qolmasdan nomim o'g'il qizda qolsin.  
Hafa qilmay, yog'ligimni bildirmangiz,  
Ki priklargag' am yoshini ildirmangiz.  
... Oqsoqol jim, sukut ichra qoldi uzoq.  
Jang yaxshimi yoki Shiroq aytgan tuzoq.  
Qo'li goh bosh goh qilichin tutar edi,  
Shiroq esa sabr bilan kutar edi.  
-Mayli, dedi oxir keksa donishmand chol  
Quloq burning o'zing kes-da, yovga yo'l ol.  
Ikkovlari bir chekkaga o'tishdilar  
El erki deb shunday yo'lni tutishdilar.  
Doro esa bu mahalda bazm tuzib,  
Yashar edi g'oliblikning gulin uzib.  
Bazmlarga na may, na pul tejalardi,  
Ziyofatda yangi bosqin rejallardi.  
Turon tezda unga tobe' bo'lar shaksiz,  
Ammo ko'ngli to'imas qolsa agar saksiz.  
Sak yurtini bosib olish orzu edi.  
Talonchilik uning turmush tarzi edi.  
Lashkarini bosqinlarga unatardi.  
O'jalarni poytaxtiga jo'natardi.  
Quvonardi ko'zi-ko'ngli qonni ko'rib,  
Zabt etila borgan yurt-Turonni ko'rib.  
Ammo bugun ayni qizg'in chog'i bazm,  
Qarshisida ta'zim qildi xos mulozim.

Bir hamlada sahro kelar lashkarga tor.  
Sendayin bir majruhga emasman zor!  
Shiroq aytdi:-Qochib borar saklar hozir,  
Ostlarida yeldan uchqur otlar hozir,  
Quvgan bilan ortlaridan bo'lmas yetib,  
Har lahzada bormoqdalar yiroq ketib,  
Men bir yo'lni bilarman,  
Aylanma yo'l.  
Yovni oson yengmoqlikka shu kelar qo'l.  
Qarshisidan chiqajakmiz kutmaganda.  
Iskandar ham bundayin yo'l tutmagan-da!  
Shiroq go'yo naqd o'limga nishon turdi,  
Biroq ayyor Doroni ham ishontirdi.  
Doro dedi:-Ey lashkarim, mana sarbon,  
Sak yurtiga ajal olib borsinkarvon.

(nog'oralar gumburi)  
Yeti kunki yo'l yuradi lashkar horib,  
Meshlarda ham suv qolmadni borib-borib.  
Qulamoqda hatto otlar ketib holdan,  
Ul ko'zlangan manzil sira chiqmas oldan.  
Hammya yoqda qip-qizil qum, ko'zing hurkar,  
Ko'kdan esa quyosh timmag' olov purkar,  
Esib qolsa garmellar yo'qdir najot.  
Bunday paytda vaboga ham yo'qdir hojat.  
Lashkarboshi sabri tugab Shiroqqa der:  
-Qani, mal'un sen aytgan u jannatday yer?  
Qani buloq, suvi tiniq, qaymoqlaring?  
Qani seni ho'rلانan aymoqlaring?  
Qah-qah urar shunda Shiroq telba yanglig'.  
Bunda bordir sizlar uchun faqat tanglig'.  
Har tomonga yettkunlik yo'l buyog'i.  
Hech yengilmas lashkarni men engdim,  
chog'i.  
Sharmandalik sizga bordir, sizga o'lim.  
Shunda tugar mening umrim, mening  
yo'lim.  
-La'nat senga, seni tuqqan shu makonga,  
Tingla, bekor jabr qilma, shirin jonga.  
O'ldirmaymiz, ko'rsat faqat yaqin joyni,  
Biror quduq, jildiragan biror sojni.  
Shiroq esa o'z so'zida turar sobit.  
-Manu shu qum sizlar uchun kafan, tobut.  
Men elimni sotmagayman, asrab jonim,  
O'z yurtimga sodiqman to so'nggi onim.  
O'zbek degan millatning bir Shiroq'imani.  
Istiqlolga chorlovchi nur-chiroq'imani.  
Sizdan rahm-shafqat so'rash ordir menga,  
O'lsam hamki, el ardog'i yordir menga.  
Shiroq so'zi alam uzra alam soldi,  
Bosqinchilar mard cho'ponni o'rab oldi.  
Yot zabonda haqoratlab, so'kdilar ham,  
Qilich sermab, Shiroq qonin to'kdilar ham.  
Botir yodin qum barxanlar hamon saqlar,  
Siynasidan unib chiqar qizg'aldoqlar.  
Har bahorda qirmiz gullar dashtga to'lar.  
Keling, biz ham xotirlaylik bunday zotni,  
Bunday mardlar bezar millat, xotirotni.  
Kunmi, tunmi, G'arbmi Sharq, qay taraf  
bo'lsin,  
O'z eliga sodiqlarga sharaf bo'lsin.  
Millatim deb yonganlarga sharaf bo'lsin.  
Yurt deb jondan tonganlarga sharaf bo'lsin.  
Ko'nglimizga erk atalgan farah to'lsin.  
Istiqlolga sharaf bo'lsin, sharaf bo'lsin!

Abdulhay NOSIROV.

## SAVOB

Qayumjonlarning uyiga  
hushro'ygina bir yigitcha kirib  
kelibdi. Xuddi Qayumjonning  
quyib qo'yan o'ziga o'xshaydi.  
Qayumjon unga gapirishini ham,  
gapirmsligini ham bilmay qoldi.  
Esi o'ziga kelib:- Assalomu  
alaykum, - debdi. Ovozi ham titrab  
chiqbidi.

-Vaalaykum assalom, -debdii  
hushro'ygina yigit ham. Uning  
yurish turishlari ham, hatto  
kulganida yuzlariga botib turadigan  
kuligichlari ham xuddi o'zinikiga  
o'xsharkan.

-Men Savob bo'laman, -debdii  
yigitcha boyagi tabassumi bilan.  
-Savob?

-Ha, - debdi u ko'zlar chaqnab.-  
Ajablanma, meni o'zing katta  
qilding. Men sen bilan bap-baravar  
o'sdim. Sening amallaring, qilgan  
yaxshiliklaring, izzat-ikromlaring  
bo'laman.Hayron bo'layapsanmi?  
Kuni kecha mакtabga ketayotib,  
masjiddan chiqayotgan qariyalarga  
egilib salom berdingku?

-Ha, shunday qildim, - debdi  
Qayumjonning hayrati oshib.

-Ular senga nima deyishdi? Baraka  
top, o'qishlaring «besh» bo'lsin,  
deyishdi-a? Sen ularga egilib salom  
berganidan so'ng, duo olib,  
salom berganidan keyin men  
katta bo'lib, Savobga aylandim.

- Savobga?

-Ha, savobga aylandim. Avvalgi yili  
maktabga kelmay kasal buvisiga  
qarab qolgan Mirsobit  
o'rtog'ingdan ko'ngil so'ragani  
bording, shundaymi?

-Ha, Mirsobitning buvisi  
turolmay qoldi Men ham  
buvisini tez-tez borib ko'rib  
turadigan bo'ldim. Kasal  
bo'lganlari uchun sho'ra  
qilib bergandik.Shirin  
bo'libdi, -deb maqtaba  
maqtab ichgandilar. Katta  
yigit bo'linglar, deb duo  
qildilar.

-Ana shu savob ishing men  
bo'laman. Undan keyinroq  
Sayimjon akang senga atab  
bedana tutib kelibdilar.  
O'shanda bedanaga rahming  
kelib uni qo'yib yuborganing  
esingdam!

-Ha, uni akam yo'qliklarida  
uchirib yuborgandim.

- Mana, shu ishing ham  
savob-da. Ana shu ishingdan  
keyin ham men katta  
bo'lganman. Ukang  
Toyimjonni konfetini  
Tolibjon olib qo'yib,  
bog'chadan yig'lab kelganda,  
sen uni ovutib, Tolibjon bilan  
yarashirib qo'yaningda yana  
ham katta bo'lib ketgandim.  
Men sening ana shunday  
ishlaringdan katta bo'lib  
boraveranman-da.

-Unday bo'lsa hush  
kelibsan, Savobjon.

Savob to'rga o'tibdi.  
Ha, dunyoda savobli  
ish qilib, ota-onangizni  
hurmat qilsangiz,  
ularning aytganlarini  
qilsangiz, atrofdagilarga  
mehribon bo'lsangiz, Savob  
ham yoningizda bo'ladi, siz bilan  
birga doimo yoningida yuradi. Agar  
birovni hafa qilgudek bo'lsangiz,  
savob kichkina bo'lib qoladi.

Узбекистон болалари  
ва ўсмирларининг  
газетаси

## Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБОУТ  
ҚўМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРЛИГИ,  
«СОҒЛОМ АВЛОД  
УЧУН»  
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ  
ЖАМФАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:  
Умид АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЬАТИ:  
Йўлдош САИДЖОНОВ,  
Омон МАТЖОН,  
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,  
Хотам АБДУРАИМОВ,  
Дадаҳон ЁҚУБОВ,  
Мукаррама МУРОДОВА,  
Мирзапўлат  
ТОШПЎЛАТОВ,  
Музаффар ПИРМАТОВ,  
Феруза ОДИЛОВА,  
Эргашвой САРИКОВ,  
Баҳодир ҲАЙДАРОВ.

Ижарадаги Тошкент  
Матбаа комбинатида  
офсет усулида 43.351  
нусхада босилди.  
Ҳажми 2 босма табоқ,  
Буюртма - К-75-05  
Газетани PENTIUM-II  
тмх компютерида  
А.АБДУҒАФФОРОВ  
саҳифалади.

Рўйхатдан ўтиш  
тартиби № 000137  
Манзилимиз  
700129,  
Тошкент шаҳар,  
Навоий кӯчаси 30-уй.  
Тел: 144-62-34